

РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ–АМАЛИЙ МАРКАЗИ



Оила кутубхонаси

Музаямхон Фармонова

Ёш авлод тарбияси: оила, анъана, қадрият ва маънавий мерос

Тошкент – 2016

Фармонова Музаямхон. Ёш авлод тарбияси: оила, анъана, кадрят ва маънавий мерос. -Т:РОИАМ, 2016, 28 бет.

Мазкур рисолада оила, она ва бола саломатлиги, улар ўртасидаги муносабатлар, маънавий боғлиқлик, оиланинг ўзига хос хусусиятлари, оила ҳақида статистик маълумотлар ҳақида сўз боради. Шунингдек оила, она ва бола, фарзандлар соғлиғи, маънавий тарбияси, жасорати, камолоти, бола тарбиясида огоҳлик масалалари ёритилган.

Рисола ёш ота-оналарга, маҳалла фаолларига, шу соҳада иш олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг А-1-069 рақамли “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида яратилди.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази Илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 27 майдаги 2-сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

Нашр учун масъул:

Х.Х.Мамадалиева – Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори в.б., иқтисод фанлари номзоди

Тақризчи: Р.Фармонов –тарих фанлари доктори, ЖИДУ профессори

Сўз боши

Болаларни “диққатлари ва зехнлари чуқур ва жиддий бўлишига ўргатинг.... Кўрганлари устидан тез хулоса чиқармасинлар.”

ФИТРАТ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, оила, оила мустаҳкамлиги, тинчлиги, оилада соғлом турмуш тарзи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, оилада тарбия олаётган фарзандларнинг ҳар томонлама маънан етук, жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг йиллар давомида мунтазам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Фармон ва қарорлар қабул қилгани ва 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат оила ўзида кўп асрлик ўзбек менталитетига хос бўлган маънавий қадриятларимизни, анъаналаримиз, удумларимизни, расм-русумларимизни, маънавий, маданий меросимизни сақлаб келмоқда. Оилада шаклланган ўзбек миллатига хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби туйғулар нафақат тарбия вазифасини ўтайди, балки инсоний фазилатларни намоён бўлишида, комил инсонни шакллантиришда муҳим омил ролини ўйнайди. Ёшлар бизнинг келажагимиз, улар ота-она ва аجدодларимиз ишининг давомчилари ҳисобланади. Фарзанд тарбияси мураккаб жараён бўлиб, унинг қандай кечиши оилага боғлиқ. Ота-она комил инсонни тарбиялар экан, унинг она юрт учун фидойи, ватанпарвар, садоқатли бўлиши, боболар меросини, ватанини кўз қорачиғидек сақлаши, ўзлиги ва мустақилликни асраб авайлаш каби хислатларни унга сингдириб боради. Комил, соғлом, руҳан тетик, теран фикрлайдиган, ўзини ташқи ёвуз кучлардан ҳимоя қила оладиган фарзандларни тарбиялаш нафақат оила, балки юртимиз келажаги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу рисолада оила, она ва бола, фарзандлар соғлиғи, маънавий тарбияси, жасорати, камолоти, бола тарбиясида огоҳлик масалалари ёритилган.

Хафиза Мамадалиева

иқтисод фанлари номзоди,

Республика “Оила” илмий- амалий маркази директори в.б.

Она ва бола

Ҳар битта гул мисоли малак,
Гулдан-гулга қўнар капалак.
Капалакни қувлайди гўдак,
Капалакдан қувнайди гўдак.
Она-бола гўёки палак,
Бола-ширин мисли ҳандалак,
Бола – жажжи онаси малак
Бола шўхдир, бола бир читтак.
Бола-нозик у ҳали мурғак,
Болажон, - деб онаси ҳалак,
Муҳаббатдан иборат фалак,
Ҳаёт гўзал худди камалак.
Она-бола ўзи бир олам,
Оламаро буюқдир одам.
Она айтар, улғайгин болам,
Сен улғайсанг сеники олам.
Бола гулдир онаси палак,
Гулдан-гулга қўнар капалак.
Она-бола бир бутун палак,
Муҳаббатдан иборат фалак

Раҳмон Фармонов

Она ва бола саломатлиги

Инсоннинг генетик жиҳатдан умр кўриши ўртача 120-140 ёшни ташкил қилади. Шунинг учун ҳар бир ривожланган давлатларда фуқароларнинг узок умр кўриши, соғлом бўлиши ва касалликларни олдини олиш бўйича тинимсиз изланишда эканлиги сир эмас. “Moody`s” баҳолаш агентлиги ҳисоботида келтирилишича, ҳозир фақат 3 та давлат – Германия, Италия ва Япония аҳолисининг 20% дан кўпи 65 ва ундан юқори ёшдагиларни ташкил қилувчи мамлакатлар сафида¹ эканлиги ачинарли ҳол. Таъкидлаш жоизки, статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда 32 млн. дан кўп аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 60%

¹ Л.Раҳматов. Дунё кексалари: кексалар дунёси. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Б-10.,

ёшлардан иборат. Ҳар йили қишлоқларда 150000 дан зиёд янги оила вужудга келяпти.²

Мустақиллик даврида Президентимизнинг йиллар давомида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Фармон ва қарорлар қабул қилгани бежиз эмас. Жумладан, “Оила йили”(1998), “Аёллар йили”(1999), “Соғлом авлод йили”(2000), “Оналар ва болалар йили”(2001), “Сихат-саломатлик йили”(2005), “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”(2006), “Баркамол авлод йили” (2010), “Соғлом бола йили”(2014) каби йилларга мунтазам мақом берилиши, хусусан, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши йиллар давомида амалга оширилган чора-тадбирлар тизимини узлуксиз давом эттириш, таҳлил қилиш, амалиётга тадбиқ этиш, янада мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш ишларини комплекс олиб бориш зарур эканлиги назарда тутилган. Жумладан, қизларни болалиқдан оилада, боғчада, ўсмирлик даврида мактабда, лицей ва коллежларда, сўнгра ёшлик даврида ва кейинги босқичларда, токи турмушга чиқиб фарзандли бўлгунга қадар, соғлом она, ҳомиладорлик даври, қайнона-келин, эр-хотин муносабатлари самимий, маънан баркамол бўлиши, ёш онанинг соғлом, жисмонан бақувват бўлиши қамраб олинган.

2016 йилнинг 8 феврал куни тасдиқланган “Соғлом она ва бола” дастури ўз ичига 88 тадбирни қамраб олгани барчамизни янада масъулиятга чорлайди. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирларнинг айримларига шахсан Президентимиз алоҳида урғу бердилар. Жумладан, ҳар бир вилоятда “Скрининг маркази”ни ташкил этиш; қишлоқларда замонавий врачлик пунктларини ташкил этиш; ёшлар ўртасида эрта турмушга чиқишнинг зарарли оқибатларини тарғибот қилиш; қизларни ёшлиқдан спортга жалб қилиш; никоҳ олди тиббий кўрикдан ўтишда шифокорлар масъулиятини ошириш, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда маҳалла маслаҳатчилари ролини кучайтириш; она ва болаларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш; ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан, турли ёвуз кучлардан асраш; тарихий хотираларни чуқур англаш каби йўналишларга эътибор қаратдилар. Албатта дастурда қайд этилган барча тадбирларнинг ўз ўрни ва қиймати бор.

² И. Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. Т., “Ўзбекистон”, 2015. Б-185,240.

Биз соғлом она ва бола ҳақида сўз юритар эканмиз беихтиёр оила деган муқаддас даргоҳга йўл оламиз. Негаки, оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий кадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни илк бора дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас макондир.

Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланишича, - “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, **оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир**. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”.³

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири – оилада соғлом муҳитни яратишдир. Чунки айнан шундай муҳитда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги ҳатти-ҳаракат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб, тарбияланиб боради. Биз соғлом муҳит деганимизда миллий урф-одатларимизга ёндашган ҳолда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, муомаласи, ҳатти-ҳаракатлари намунали, вазмин бўлиши, ҳаттоки сўзлашиш жараёнида овоз майинлиги, унинг юмшоқлиги, юзининг мимикаси каби томонларни назоратда ушлаши талаб этилади. Шунингдек ҳар бир ишни бошлашдан аввал оилада катталар билан бамаслаҳат, шошилмасдан олиб боришни болаликдан сингдириш жараёни назарда тутилади. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида айтилишича, “Оила соғлом экан-жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарордир”.⁴ Шундай экан, ҳар биримиз она ёки ота сифатида фарзандларимиз ҳар томонлама соғлом, ақлан етук, маънан баркамол бўлишлари учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилишимиз зарур.

³ И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2010. Т., “Ўзбекистон”, Б-52.

⁴ И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2010. Т., “Ўзбекистон”, Б-58

Ёш авлод шаклланишида мустаҳкам оиланинг ўрни

Оила - кичик бир *ватандир*. Инсон илк тарбияни оиладан, меҳр қўридан, онанинг сугидан олади. Унинг таъсири одам табиатига, қалбига мустаҳкам жойлашади. Инсоннинг комиллиги, руҳияти, суҳандонлиги, меҳрибонлиги, хушхулқ бўлиши ҳар бир оилада белгиланган ички, ўзига хос қонун-қоидалар асосида шаклланиб боради. Шунинг учун ҳам оиладаги маънавий муҳит мўътадил бўлса, униб - ўсаётган ўғил-қизлар ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига кафолат бўлади. Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган одоб-ахлоққа доир ибратомуз фазилатлар, қадриятлар, урф-одатлар оилада шаклланиб борса, унинг аъзолари турли иллат ва ёмонликлардан йироқ бўлишлари билан биргаликда товланиб, “ҳаёт таржибаси”га эга бўладилар. Дарҳақиқат, “Фалсафа. Қомусий луғат”да адаб сўзи изоҳланмаган бўлса-да, ахлоқ ва *одоб* сўзлари қуйидагича талқин қилинади: “**Ахлоқ** (арабча хулқнинг кўплиги; латинча **moralis** – хулқ-атвор) – ижтимоий онг шакллари билан бири. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндисидир”.⁵ Бир қатор луғатларда “*одоб*” изоҳланмагани ҳолда фикр юритилаётган қомусий луғатда “*одоб*” алоҳида мақола сифатида олингани ва изоҳланганини кўрамиз: “*Одоб* (ар. адаб сўзининг кўплиги) – хулқ- атвор жамиятда эътироф этилган хулқ меъёри, шахснинг маънавий ҳаётини ташқи жиҳатдан ифодалайди ва у бошқалар билан муносабатда намоён бўлади. Одоб асосида ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ётади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қандай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил қилиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига мансуб қоидалар (масалан, ор-номус, шарм-ҳаё, иффат, камтарлик, хушмуомалалик, тароват, фасоҳатларни ўз ичига олади) дан иборат. Одоб биринчи оила муҳитида, қолаверса таълим-тарбия тизимида, ижтимоий-фойдали меҳнатда, амалий тажриба жараёнида шаклланади”.⁶

Таъкидлаш жоизки, оилада ота-она ва кексалар ҳавас қилгудек

⁵ Фалсафа. Қомусий луғат. – Т., Шарқ, 2004, Б- 496

⁶ Ўша ерда, – Т., Шарқ, 2004, Б- 310

чиройли муомалага, таълим-тарбияга, гўзал хулқ-атворга ва имкон қадар маълумотга эга бўлиши зарур. Чунки, яхши фазилатларга эга бўлиб қисман бўлса-да, илм манбаига эга бўлмаса, бугунги шиддатли ривожланиш даврида ота-она билан фарзандлар ўртасида қандайдир кўзга кўринмас узилиш пайдо бўлиши мумкин. Баъзи ота-оналар энди кеч бўлди деб ўйлашади, аслида ундай эмас. Катталардаги кучли масъулият ҳар қандай тўсиқдан кечиб ўта олади. Буни компьютер ёки бирор ўзга тилни ўрганиш орқали синаб кўришингиз мумкин. Ишонинг, дунёқарашингиз, атрофдагиларга ва яқинларингизга бўлган муносабатингиз мутлақо ўзгаради, хаттоки 10 йилга ёшариб ҳам кетасиз.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, муқаддас “Авесто”да, буюк аждодларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий асарларида юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришда оила асосий омил экани таъкидланган. Жумладан, Абу Наср Фаробий ўз таълимотида маърифатли жамоада энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ота-онагина баркамол, маърифатли фарзандларни вояга етказиши эътироф этилган.

Президентимиз И.А. Каримов, “Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш, ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган”.⁷ – деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Бугунги кунда ёшлар оила қуришга тайёр бўлмай барвақт никоҳга киришлари, баъзан ёш оилаларнинг қўйди-чиқдисига сабаб бўлаётганини кўриш мумкин. Айрим йигитлар ўзлари пул топмай ота-оналари ҳисобига барвақт уйланиб, муқаддас ҳисобланган оила ва фарзанднинг қадрига етмаяптилар. Шунингдек, ёш қизларнинг турмушдаги укувсизликлари ва турмушда учраб турадиган баъзи қийинчиликларга бардошли, чидамли бўлмасликлари, ўзаро муносабатларда муомала маданиятига, тинглаш малакасига эга эмасликлари, меҳрсизликлари оқибатида янги қурилган оилаларнинг пойдевори дарз кетиб, оилалар бузилишига сабаб бўлмоқда.

Айрим қизларимиз олий маълумотли, чет тилларини мукамал ўрганган, ҳуснли, истараси иссиқ ёки коллежни битириб ҳунар эгаллаган, пазанда, чакқон, уй-рўзғорни эплайдиган бўлишига қарамасдан ажрим

⁷ И. Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч .”Маънавият” – Т., 2008. Б-54,56

ҳолатларига олиб келяпти. Албатта, таҳлиллар асосида хулосалар чиқарилади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек ҳар бир оила ўзича индивидуал, ўз қонун-қоидаларига эгаки, бирорта бошқа оилага асло ўхшамайди. Демак, қиз ва йигитларимиз оилани бошқаришга қайсидир томондан тайёр эмас, уларни нафақат маълумотли ёки ҳунарли қилиш, балки оила-деган муқаддас даргоҳни қандай бошқариш мумкин?-деган масалага ҳар томонлама ёндашиш зарур деб ўйлайман. Тўғри, бугунги ёшлар унча-мунча катталарни гапини қулоғига олмайди, ақлли, хўп деса ҳам ўз билганидан қолмайди. Қолаверса, интернет, дугоналари, маҳаллада, кўни-кўшни, қариндош-уруғларида никоҳнинг бузилиши, ёш оилаларнинг яшаш тарзи, турли воқеа ва ҳодисаларни кўриб, эшитиб ўзича тўғри ёки нотўғри хулосалар чиқариб “тажриба” орттирадилар.

Бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртоши устига *“Ёшларимиз ўжар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, аждодлар қадриятларини инкор этади”*.⁸ - деган сўзларнинг битиб кўйилгани ҳам ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча босқичларида асосий муаммолардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди.

А.Фитрат ўзининг “Оила” ҳақидаги китобида ёзади: “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир... Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор бизга керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим”.⁹ Бу чақириққа жавобан Фитратнинг ўзи фарзандни жисман, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур, - дейди.

Президентимиз И.А.Каримов, “Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқатли, ватанпарвар каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдирайлик, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устувор қилайлик”¹⁰ – деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Афсуски, бугунги кунда айрим оилаларда ота-оналар ўзаро бир-бирларига қўпол муомалада бўлиб жанжаллашишлари, турли салбий

⁸ П.Таранов. Энциклопедия високого ума. М., 1999. Б-16.

⁹ А.Фитрат. «Оила» .“Маънавият”, – Т., 1998.Б- 8,55

¹⁰ И. Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.. - Т., 2011, Б-432

ҳатти-ҳаракатлари билан низоли вазиятларни юзага келтирадилар. Натижада оилаларда болалар тарбияси ўз ҳолига қолиб, улар ўзларида ишонч, ҳурмат ҳиссини йўқотиб, қўпол муомалали, бадхулқ, одамови, ўз фикрини эркин айта олмайдиган камгап ёки аксинча бетга чопар бўлиб етишиб чиқадилар. Бундай болалар имкон қадар ташқи муҳитдан ўзларига дўст топишга ҳаракат қилиб, ўзлари билмаган ҳолда турли нобоп гуруҳларга кириб қолишларига, ҳаттоки майда жиноятлар содир этишларига, уйдан кетиб қолишларига ҳам олиб келиши мумкин.

Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаида таъкидлаганларидек, “Агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига қўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади”.¹¹

Бундай муаммоларни олдини олишда ҳар бир фуқаро у хоҳ оиласида, хоҳ ўқишда, хоҳ ишида, хоҳ қўл остидаги ишчилари, хоҳ ёру-биродарлари билан бўлган ўзаро муносабатларда тилга эҳтиёт бўлиши, хушмуомала бўлиши, одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиши, миллий менталитетимизга хос бўлган шарқона урф-одатларга оқилона ёндошиши фойдадан ҳоли эмас.

Юсуф Хос Ҳожиб, - “Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири тил, бошқаси-юрак. Тил сўз учун, юрак, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиши учун берилган” Яна -“Сўзни донадан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим”. Яна – “Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин”.¹² - деб айтган. Аллома фикрларига жавобан, ёшларни гўзал, чиройли сўзлайдиган, самимий, хушхулқли, маънавий баркамол ва илм эгаси бўлишларида, одоб-ахлоқ билан нутқимизнинг таъсирчан, ҳис-ҳаяжон уйғотадиган, ёшларни ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр чорловчи бўлишига аҳамият беришимиз зарур. Шунингдек, боболар ўғити, доно сўзлари, фикрлари ва ҳ.о.лардан фойдаланиш ҳамда ҳаётда қўллаш нафақат ёшларни фикр ва дунёқарашини кенгайтиради, балки тарихимиздан миллий, ўзбекона одоб-ахлоқ дурдоналарини мағзини чақишга, қадрлашларига эришиш мумкин. Жумладан, “Одоб-олтиндан қиммат”, “Ақл – ёшдан, одоб-бошдан” каби халқ мақолларида инсон энг аввало одоби билан юзага чиқиши илгари сурилган. Дарҳақиқат, инсон

¹¹ И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият” – Т., 2008. Б-54

¹² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т., “Чолдузча”, 1989. Б-13, 31

илмли, бадавлат бўла туриб, одоби бўлмаса, унинг илми ва бойлигидан ҳеч кимга наф тегмаслиги ҳаммага маълум.

Алишер Навоий ташбихларида шундай дейилади: “Ул кўнгулгаким қаттиғ сўздин решдек бўлғай, аччиғ тил захр олул нешдек бўлғай. Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас, анга ҳеч нима малҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга малҳам ва роҳатдур”.¹³

Ҳақиқатан ҳам инсон иззат-икромни, обрў-эътиборни тил орқали топади. Тилимиз билан инсон дилини оғритишимиз, кўнглини қолдиришимиз ёки аксинча, инсонни улуғлаб, кўкларга кўтаришимиз мумкин. Инсонни хафа қилиб, қалбларини жароҳатлаш учун бир неча дақиқанинг ўзи етарли, аммо, жароҳатланган қалбни даволаш ва кўнглини олиш учун йиллар керак бўлади. Шунинг учун ҳам ёшларимиз ширинсўз, гўзал муомалали, хушхулқли бўлишларига эришишда, ижтимоий ҳаётимиздаги ўзаро муносабатларда одоб-ахлоққа доир мақол, матал, ҳикматли, доно сўзлардан кўпроқ фойдаланишимиз ва нутқ маданиятимизнинг намунали соҳиби бўлишимиз лозимлигини унутмаслигимиз даркор. Бугунги кунда нафақат ёшлар, ёш оилаларда, балки катта ёшдагилар ўртасидаги сўзлашиш, мулоқот жараёнида бир-бирларига ҳурмат ва одоб сақлаганлари ҳолда уларни охиригача тинглаш, кейин эса вазминлик билан жавоб бериш малакаси йўқлигини кўришимиз мумкин.

Ўзаро инсоний муносабатлар бўйича мутахассис Д.Карнегининг фикрича, *“Яхши суҳбатдош гапиришни биладиган эмас, балки эшитишни биладиган суҳбатдошлардир”*. Мутахассислар томонидан инсон иш вақтининг тахминан 45 фоизини эшитиш жараёнида ўтказиши ва кимнинг фаолияти бевосита инсонлар билан мулоқот жараёнида ўтадиган бўлса, улар ойликнинг 35-40 фоизини фақат тинглаш қобилияти учун олишлари аниқланган. Бундан хулоса шуки, коммуникациянинг энг қийин турларидан бири, “эшитишни билиш” бўлиб ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ ўзини оқлар экан. Эшитиш – бу фақат сўзни тушуниш эмас, балки ундан каттароқ бўлган маҳоратдир. Инсонларни сиз ҳақингизда яхши ўйлашга мажбур қиладиган энг самарали усуллардан бири – уларни тинглай билиш, деган эди немис файласуфи А.Шопенгауэр. Халқимизда сўзамол инсон ҳар доим ва ҳар ерда устун ва бош бўлади деб айтишади. Бундай

¹³ А.Навоий. Маҳбул кулуб. Асарлар. 20 жилдлик. 13-том.. Т., Б-59

сўзамол инсонлар фақат гап билан юқорига, катта лавозимга, хурмат-эътиборга эришиш мумкин деб биладилар. Улар учун гапирмаслик худди бир жазодек ҳисобланади. Аслида эса ундай эмас. Бир эслаб кўринг, сиз гапираётганингизда сизни очикдан-очик эшитишни хоҳлашмаса, сизга умуман эътибор беришмаса, тез-тез соатга қарашса ёки ўз ишларини қилиб ўтиришса, ундан-да ёмони бўлмаса керак.

Шуни унутмаслик керакки, маҳорат билан эшитиш малакасига – маҳорат билан эшитиш билимларини эгаллаш орқалигина эга бўлиш мумкин. Масалан, оилада ножўя иш қилиб қўйган бола йиғлаганда “ҳозироқ йиғини тўхтат” деб қаттиқ гапириш, беадаблик билан кўпол муомалада бўлиш эшитиш малакасининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда фарзандлар ота-онага мурожаат қилганларида улар болани охиригача тингламай, ҳозир вақтим йўқ ёки бўлмағур нарсалар билан бошимни қотирма, каби ноўрин, яъни боланинг эҳтиёжини қониқтирмайдиган жавоблар берадилар. Бундан улар эшитишдан кўра гапирган фойдалироқ экан, - деган фикрга келишади. Шунинг учун ҳам аксарият ёшларимизда мулоқот, муомала жараёнида, ўзаро муносабатларда тинглаш малакаси шаклланмаганлигини, уларнинг хушмуомалаликдан узоқлашганларини ҳамда бетгачопар, тезжавоб, кўпол бўлаётганларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Аслида эса, ота-боболаримизни айнан сабр-қаноат билан тинглаши, ахлоқий, ибратомуз ва оқилона фикрлари билан ҳамиша ёшларга ўрнак бўлиб бутун дунёни лол қолдирганини унутмаслигимиз даркор.

Бир гуруҳ муаллифлар “Этномаданият” асарида мустақиллик мафкураси ва маънавият асосида тарбия топган соғлом авлод қандай фазилатларга эга бўлиши ҳақида ёзар эканлар, унда соғлом авлод вакили бўлмиш комил инсондан талаб қилинадиган 50 дан ошиқ ижобий фазилатлар (талаблар)ни ва аксинча, комил инсон йўл қўймаслиги, инкор этиши лозим бўлган 50 дан ортиқ талаб, мезонлар келтирилади.¹⁴

Президентимиз Ислом Каримов: - “Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибто ва

¹⁴ М.Муродов ., У. Қорабоев ., Р.Рустамова. “Этномаданият”. –Т., “Адолат”. 2003, Б-28-29, 30

иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз”,¹⁵ - деб бежиз айтмаган.

Ҳақиқатан ҳам фарзандларнинг ота-боболаридан қандай ахлоқий тажриба орттиришига, қандай ахлоқий фаолиятни амалга оширишига қараб унинг шахси ҳам, маънавияти ҳам таркиб топа бошлайди. Психолог А.Л.Малиованов ўсмирларни тўрт гуруҳга бўлган. 1) ўз хатти-ҳарактларида уларнинг ўзлари томонидан яхши англаган ижобий ахлоқий нормаларга таянадиган, сўзи билан иши ўртасида фарқ бўлмайдиган; 2) ахлоқий тушунчаларнинг тараққиёт даражаси пастлиги билан қилиқлари мос келадиган ўсмирлар; 3) кичкинагина ўсмирлар гуруҳи (битта яримта ўқувчилар) хатти-ҳаракатларнинг ахлоқий нормаларига доир ўзининг яхши билими билан ажралиб туради, лекин бу билимларга мос равишда ҳаракат қилишни ўзига лозим деб билмайди; 4) ўзларига маълум бўлган ахлоқ талаблари билан кундалик хатти-ҳаракатлари ўртасидаги алоқани ҳали кўра олмайдиган, тушунмайдиган ўсмирлар.¹⁶

Ўсмирлар маънавий ҳислатларни, ахлоқий меъёрларни, ахлоқий тушунчаларни билишга ҳаракат қиладилар.¹⁷ Жумладан, бурч, виждон, ғурур, қадр-қиммат, фахрланиш, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни чуқур таҳлил қила оладилар. Улар бефарқ ота-оналарга нисбатан ғамхўр ота-онага кўпроқ тақлид қиладилар. Ғамхўрлик намоён қилинадиган хулқ-атвор болага эътибор ва уни парвариш қилиш сифатида тушунилади. Шундай қилиб, ёш авлодни тарбиялашда жамиятда оиланинг ўрни беқиёс. Мутахассисларнинг фикрича, асосан 6 ёшгача бўлган болаларнинг дунёқараши шаклланиб бўлади. Демак, оила инсон тарбиясининг энг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади.

¹⁵ И. Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч. ”Маънавият” – Т., 2008. Б-118

¹⁶ З.Т.Нишонова. Болаларга маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатишнинг психологик муаммолари. - Т., “Ўзбекистон”, 1999. Б-10.

¹⁷ Ўша ерда. Б-18.

Маънавий тарбия ва жасорат

Маънавият – инсоннинг руҳиятини, ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни ўз олдига қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир. Маънавияти бой ва мустаҳкам инсонлар баркамол ахлоқ ва мустаҳкам эътиқод эгалари бўлиши мумкин.

И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат” деб таъкидлайди.¹⁸

Инсон маданияти ва маънавиятининг таркибий қисмини ахлоқий тарбия, ахлоқий қоидалар, ахлоқий фазилатлар, урф-одатлар, кадриятлар ташкил этади. Ўзбек халқининг маънавияти, маданияти, инсон хулқига оид тушунчалари қадимий тарихга эга. Ахлоқ-одоб удумлари, унинг меъёрий қоидалари одамни доимо маълум инсоний фазилатлар доирасидан чиқмасликка хизмат қилиб келган. Биз одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритар эканмиз, олимларнинг бу ҳақдаги фикрларидан қисман мисоллар келтирамиз. Тилшунос Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимов “*адаб*”ни икки маънода изоҳлаган: 1) яхши тарбия, маъқул ҳаракат, юриш-туришда ёқимли, яхши хулқ; 2) интизом сақлаш учун болага жазо бериш.¹⁹ “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да “*адаб-адабиёт*; яхши тарбия, маъқул ҳаракат” деб изоҳланган,²⁰ “*одоб-адаб*” нинг кўплиги экани айтилиб, у “*адаб*” сўзига ҳавола қилиш билан чекланилган.²¹ Демак, баъзи тилшунослар адаб сўзини меъёрий эмас деб ҳисоблашади. “Фарҳанги забони тожикий” луғатида “*адиб*” яхши хулқ маъносини англатиши алоҳида таъкидланади, шунингдек бу сўз “*шарм, ҳаё*”, “*илм, дониш, хунар*” маъноларини ҳам англатиши таъкидланган.²² Проф. Ш.Раҳматуллаев адаб, ахлоқ, одоб, хулқ сўзларининг келиб чиқиши (генетик) жиҳатдан арабча эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, ахлоқ хулқ англатадиган маънода ишлатилади, *одоб* аслида “хушмуомала,

¹⁸ И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият” – Т., 2008. Б.-160

¹⁹ П. Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. – Т., «Ғ.Ғулом» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, Б- 29

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1- жилд. – Т., ЎЗМЭ., 2006, Б-38

²¹ Ўша луғат, 3-жилд, 2007, Б-88

²² Фарҳанги забони тожикий. 1-жилд. – М., СЭ., 1969, Б- 38

тарбияли бўлди” маъносидадир, “хулқ эса кишининг юриш-туришида, муомалада, ўзини тутишида намоён бўлади”.²³

Дарҳақиқат, ахлоқ, хулқ тушунчалари инсоннинг маданиятига, маънавиятига, унинг қандай ижтимоий муҳитда яшаётганига ва бошқа кўпгина томонларига боғлиқ. Ёшларни одоб-ахлоқ талаблари асосида тарбиялашда улар яшаётган муҳитдаги муомала ва сўзлашув маданиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаида таъкидлашича, “Инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70% 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”.²⁴

Аждодларимиз инсоннинг ахлоқий тарбиясига қадимдан эътибор билан қараган, уни ахлоқий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи усулларни тинимсиз ахтарган ва амалда қўллаган. Инсонни ахлоқий тарбиялашнинг йўлларини ўрганувчи, уни илмий умумлаштирувчи этика фани ҳам ривожлана борган. Ҳозирда этика, ўзбекча ахлоқшунослик деб юритиш мумкин бўлган бу фан анча ривож топган.

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Муҳаммад Юсуф Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, муқаддас динимизнинг ахлоқ ҳақида таълимотини изоҳлаган, уни янада бойитган аждодларимиз Имом Бухорий, Исо Термизий, Имом Мотрудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолик Ғиждивоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, айниқса, буюк бобомиз Алишер Навоий ахлоқ-одоб таълимотига улкан ҳисса қўшишган.

Ўзбек халқи ахлоқ-одобга бағишланган махсус, теран таълимотнинг меросхўридир. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойиқ” асарлари, “Қобуснома” каби битиклар ўзбекларнинг нодир меросидир. Бизга маълумки, ўрта асрларда ахлоқшуносликка оид махсус рисолалар ёзилган. Бу асарлар араб, форс-тожик ва туркий тилда бўлиб Марказий Осиёда яшаган халқларнинг,

²³ Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати, II (араб сўзлари ва улардан ҳосилалар). – Т., Университет, 2003, Б-54,337,491

²⁴ И. Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч .”Маънавият” – Т., 2010. Б.-53

жумладан ўзбекларнинг ахлоқ кодексининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Масалан, Бурҳониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя”,²⁵ Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” деб номланган, ахлоқ-одоб меъёрларини батафсил ёритиб берган асарларини эслаш кифоя.²⁶ Аждодлар ўз кундалик турмушларида амал қилиб келган ахлоқ-одоб қоидалари, удумлари турли мавзудаги асарларда, масалан, қадимий битик “Авесто”да, ислом динига бағишланган асарларда ўз ифодасини топган.

Ахлоқшунослик – инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қилади. Ахлоқшунослик тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши, ривожланиш қонунларини ва маънавий мероснинг улкан қисми бўлган ахлоқий таълимотларни, ҳикматларни, панд-ўғитларни замонавий жамият ҳаётига сингдириш ва тарғиб қилиш йўлларини ўрганеди. Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда тахталарга ёзилган мақол ва маталлардир.

Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча – ЖЭНЬ (инсонийлик). Масалан, “Лунь юй”(“Ҳикматлар”) китобида шундай дейилади; “Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди Конфуцийчиликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги ҳикматлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қуйида мисол келтирамиз.

“Устоз дебди; Цзин-лу, сен олти иллатнинг олти босқичини биласанми?

Цзин-лу: “Йўқ”деб жавоб берибди.

Устоз дебди; “Ундай бўлса ўтир, айтиб бераман. 1) Инсонпарварликни севиш – у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу - бефаросатликка олиб келади; 2) донишмандликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бунда инсон ўз умрини майда ишларга сарфлайди; 3)ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишликни севмаслик, иллат шундаки, бу ўзига зарар етказишга олиб келади; 4) тўғрилиқни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу қўполликка олиб келади; 5) мардликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу -

²⁵ Бурҳониддин Марғиноний. “Ҳидоя”,1-жилд. – Т., 2001; Яна қаранг “Ҳидоя”, ЎзМЭ, 11-жилд. – Т; 2005, Б-326

²⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. – Т; ЎзМЭ, 2010.

исёнкорликка олиб келади; б) катъийликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – бошбошдоқликка олиб келади²⁷”

Халқ маънавий маданияти - қадриятларимизнинг яна бир хусусияти, улар учун умумий муштарак бўлган бир томон бор: анъанавий халқ маданияти, қадриятларнинг барчаси инсонни иймон-эътиқодда бутун, маданий-маърифий ва ахлоқий-руҳий тарбияда комил одам бўлишига қаратилган. Барча қадриятлар, халқ анъанавий маданияти қатламига тарбия ва яна тарбия сингдирилган. Ислом маданияти қадриятларининг бош мавзуи ҳам – иймон, эътиқод, ихлос, ибодат, тақво, ахлоқ-одоб, дўст-биродарлик, аҳиллик, ота-она, қариндош-уруғчилик, шунингдек фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол ва ҳаром, макруҳ, меҳр-оқибат, инсоф-диёнат ва шунга ўхшашлардир. Масалан, “Иймон” сўзи оммавий онгда кенг қўлланилади. “Бу сўз, айниқса, диний онгда юксак қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, “иймонли одам” деганда сўзи билан иши бир, ҳалол-пок, инсоф-диёнатли, меҳр-оқибатли, мурувват ва саховатли одамлар кўз олдимизга келади²⁸”; “Иймон – қалбнинг дури бўлиб, кишининг эътиқоди яхшиликка, эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга ундайди. Иймон арабча сўз бўлиб, ишонч маъносини билдиради²⁹”, “Ахлоқий эътиқод кишининг ҳатти-ҳаракатида, унинг жамиятга, оилага, она-Ватанга, инсонларга нисбатан муносабатларида намоён бўлади³⁰”.

Халқона қадриятлар қадимий қадриятларга ҳамоҳанг. Уларда меҳр-оқибатлилиқ, ҳалоллик, поклик, адолат, ватанни, элни эъзозлаш, меҳнатсеварлик, камтарлик, мардлик, кўни-кўшничилиқ, тўғрилиқ, хушёрлик, тадбиркорлик, садоқатлик, хайр-эҳсонлик, меҳмондўстлик, қадр-қиммат, вафо, шарм-ҳаёли, сабр-қаноат, тежамкорлик, ғурур, фахр, фаҳм-фаросат каби инсоний фазилатлар улуғланади. Масалан, “Ҳеч вақт оғзи бузук, кўнгли эгри, нафси ёмон, кўзи оч, тили захар, қилиғи жирканч, оёқ олиши бесунақай, лафзи тез, қаҳри қаттиқ, жағи очик бўлманг. Аксинча, қалби пок, меҳри дарё, истараси иссиқ, нияти холис, *иши ҳалол*, ичида кири йўқ, *дўстликка содиқ*, шарм-ҳаёли, шафқат ва марҳаматли бўлиб, одам сараси эканлигинингизни амалда кўрсатинг³¹”.

²⁷ А. Шер. Ахлоқшунослиқ. Маърузалар матни. Т., 2000. “ФТДҚ, ДЛТАФ” босмаҳонаси. Б-15,20.

²⁸ И.Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т., Фан, 2001.Б- 37.

²⁹ У.Маҳкамов. Ахлоқ-одоб сабоқлари. –Т., Фан, 1994. Б-49

³⁰ Б.Қораева. Шарқ мумтоз адабиётида ахлоқий эътиқод мавзусининг талқини. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.,2005, Б-70

³¹ А. Рустамов. Одобнома. А.Қодирий номли “Халқ мероси” нашриёти, - Т., 2002. Б-80

Ахлоқ-одоб, у ҳақида тушунча ва меъёрий қоидалар халқимизнинг миллий хусусиятлари, менталитети билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли, миллат ва элатлар ҳақида гап борганда руҳий-ахлоқий хислатлар тизими, ахлоқ-одоб меъёрлари, ахлоқий тарбия, умуминсоний қадриятлар каби тушунчаларнинг тилга олиниши бежиз эмас.³² Масалан, “Этномаданият умуминсоний қадриятлар, маданий ва ахлоқий анъаналарнинг битмас-туганмас манбаидир”.³³ “Этник жараён кенг қамровли тушунча бўлиб, этнос билан боғлиқ генетик, лингвистик, психологик, хўжалик-иқтисодий, маданий ва маънавий ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади”.³⁴

Ғулумхон Ғофуров миллий анъаналарга бағишланган мақолаларидан бирида миллий қадриятларнинг қуйидаги кўринишларини тилга олган: 1) табиий қадриятлар; 2) иқтисодий қадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий қадриятлар; 4) маънавий қадриятлар; 5) ахлоқий қадриятлар.³⁵ Бунга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин; “Ота-боболаримиз илм ўргатиш билан бирга фарзандларимизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни сингдирганлар”.³⁶ “Ўзбекларнинг аксарияти яқин одамларнинг, қўшнилари омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада *маънавий қадрият*, инсон қалбининг гавҳаридир”.³⁷ “Иқтисоднинг маънавий қирралари – иқтисодий муносабатлар жараёнида шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишончлилиқ каби фазилатларнинг амал қилишини англатадиган тушунча”.³⁸

Инсон фақат тарбия туфайлигина инсонийликка эришган. Бу ўринда тарбияланувчи ҳам тарбиячи ҳам, тарбияга дахлдор инсондир. Марказида инсон турган бу жараёнларда тилнинг роли бекиёсдир. Чунки тарбиянинг асосий талаб ва мезонлари тил орқали инсонга етказилади ва сингдирилади. Тил ва инсон орасидаги коммуникатив-руҳий муносабатлар юзасидан кўп гапириш ва далиллар келтириш мумкин. Масалан, “... *тилдаги гап сўзлар, фикрлар бевосита нутқ орқали, нутқ жараёнида амалга ошади ва кишининг маънавий-ахлоқий маданиятини намоён этади. Бунинг натижасида ҳар бир шахсда ширинсуханлик,*

³² А. Аширов, Ш.Отажонов. Этнология. – Т; 2007, Б-73-74, 75

³³ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғофур Ғулум номидаги нашриёт. – Т., 2010, Б-669

³⁴ Кўрсатилган манба, Б-668

³⁵ Ғ. Ғофуров. Миллий анъаналар//Халқ сўзи, 1993 йил. 11 февраль,

³⁶ Ҳ.Жалолов. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2 (6), 2006. Б-13

³⁷ О. Қодирова. Оилавий келишмовчиликлар. Тарбия №2 (6), 2006, Б-22

³⁸ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғофур Ғулум номидаги нашриёт. – Т., 2010, Б-241

донолик, билимдонлик, гўзал хулқ-атвор каби сифатлар ривожланади. Тил муомаласи-ахлоқий маданият кўзгуси сифатида яққол кўзга ташланади".³⁹ Тилнинг инсон хулқи, характери, инсоний фазилатига тил орқали етказиладиган ижобий таъсирни ва аксинча, ана шундай хусусиятларга эга бўлган одамларнинг тил ва унинг ривожига таъсири масаласи, унинг ахлоқ-одоби (хулқи), дунёқараши, маънавий камолоти билан зич боғлиқдир.

Миллий маданиятга доир тадқиқотларда В.Фон Гумбольдтнинг “Миллатнинг характерини ахлоқ, одат, ҳатти-ҳаракатидан кўра, тилига қараб билиш мумкин”, деган⁴⁰ фикрни кўп келтиришади. Инсоннинг хулқи ва ахлоқи, қўллаган бошқа хусусиятлари каби унинг тилида (нутқида) сезилиб туриши аниқ. Демак, инсоннинг ахлоқ, одоби билан тил ўртасидаги алоқа ва муносабат миллий маданий йўналишларнинг ўрганиш маркази ҳамдир.

Миллий маданият тил деб аталмиш ҳодисани ўз эгаси билан бирга, миллий-маданий жиҳатлари билан яхлитликда тадқиқ этади. “Бунда тил маданиятнинг ички ифодаланиш шакли, маданий билимларининг жамланмаси сифатида намоён бўлади”.⁴¹ Шу маънода ўзбек халқ мақоллари ҳам ўзида халқнинг миллий маданий хусусиятларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Маълумки, халқ тилида бир ҳикматли ўғитнинг мақол мақомига кўтарилиши учун катта муддат талаб этилади. Ана шу давр оралиғида бирор ҳаётий воқелик асосида айтилган, қуйма хулосани ўзида жо этган ўғит мақолга айланади. Шу ўринда матал сўзига ҳам таъриф бериб ўтиш жоиз. Турмуш жараёнида содир бўлган воқеликка нисбатан киноявий муносабатни ўзида акс эттирган, ўзгартирилмасдан кенг халқ оммаси томонидан, бир неча авлодлар тилида қўлланиб келган ифода матал дейилади. Демак, мақолда хулоса ва ҳукм, маталда эса киноявий муносабат устуворлик қилади. Масалан, ўзбек халқида сўз билан боғлиқ шундай мақол бор: “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!” Ушбу фикрдаги ҳукм ва хулоса: “Мулоҳаза қил ва чуқур фикрлаб сўзла!” – тарзида намоён бўлмоқда. Агар Сиз бирор фикрни жон куйдириб тушунтирсангиз ва тингловчи уни тушунмасдан мутлақо мантиқсиз савол берса: “Мен нима дейману, қўбизим нима дейди!” – қабалидаги жумлани

³⁹ Ш.Т.Халилова. Тил талабларида маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш ўмили сифатида. Истиқлол ва тил. ЎзДЖТУ. – Т., 2007, Б - 115

⁴⁰ В. Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. – М., «Прогресс», 1984, С. 324.

⁴¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Уорф Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // Новое в зарубежной лингвистике. вып. I. – М., 1960; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993;

ишлатасиз. Кўриб турибсизки, бу ҳам ўзбек халқи орасида кенг тарқалган, лекин ҳеч қандай ўғит ёки ҳукм берилмаяпти. Айнан мана шундай ифода ва муносабатларни матал деб атаймиз.

Миллий маданият соҳасида кўплаб ишларни амалга оширган В.Н.Телиянинг таъкидлашича, мақоллар халқнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ маданий қадриятларининг асрлар давомида анъанавий тарзда аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган улкан манбаидир.⁴²

Мақолда ёки маталда қўлланилган турли тасвирлар ва таърифлар, образлар айнан шу мақолни ишлатган халқнинг ҳаётига қайсидир жиҳати билан боғлиқ ҳисобланади. Агар икки алоҳида-алоҳида миллат ёки халқнинг мақоллари қиёсланса, шу халқларнинг тарихига, этнографиясига, ўтмиш ҳаёт тарзи, ҳамда маданий, иқтисодий алоқаларига оид кирраларини аниқлаш мумкин. Жумладан, ўзбек ва араб халқларини бирлаштириб турувчи жиҳатлар жуда кўп, хусусан, эътиқод бирлиги бу ўринда асосий ўринга эга. Қизиғи шундаки, ўрганишлар ўзбек ва араб халқларининг мақолларидаги мазмуний ўхшатишлар бу икки халқнинг узоқ йиллик дўстона муносабатлари ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Хусусан, ўзбек ва араб халқ оғзаки нутқида қўлланган мақоллар ўрганилганида улар ўртасидаги маънавий ва маданий ўхшашликлар яққол кўзга ташланади. Ўзбек халқи: “Сўнги пушаймон-ўзингга душман”, - деб уқтиради. Бу мақолда калта ўйлаб хулоса қилишдан, шошма-шошарликдан қайтарилган. Чунки шошиш ва эҳтиётсизлик оқибатида кўнгилдагидек натижага эришилмайди, аммо зарар кўриш ҳам мумкин. Ёки: “Фойданг ўн сўмлик, зараринг юз сўмлик!”- матали ҳам чуқур ўйланмай қилинган ишнинг зарари фойдасидан ҳам кўп бўлишига нисбатан қўлланган. Араб халқининг оғзаки нутқида учрайдиган: “Бир мисқол эҳтиёткорлик бир пуд дори – дармондан яхшироқ!”, - тарзидаги мақол юқоридаги мақол ва маталга маънавий ва маданий жиҳатдан ўта мувофиқдир. Албатта, бошқа миллат вакилларининг дунёни билиш манзарасида ҳам шу каби миллий-маданий ўзига хосликни англатувчи мавзуй гуруҳлар бўлади ва шу номлар айтилганда ассоциатив тарзда ўша халқ вакиллари ёдга тушади. Жумладан, ўзбек халқида “Қўнғиз боласини оппоғим дер, кирпи боласини

⁴² В.Н.Телия. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школы «Языки русской культуры», 1996. – С. 241.

юмшоғим дер”, – тарзидаги ўғитни араб халқи “Маймун онасининг кўзига оху каби кўринади”, – дейилади.

Таҳлилларга кўра, ушбу мақоллардаги “кўнғиз”, “кирпи”, “маймун”, “оху” каби ҳашарат ва ҳайвон номлари нафақат, миллий-маданий рухга эга, балки ҳар бир миллатнинг табиий географик шароити, иқлимни, манзарасини кўриш мумкин. Шунингдек, инсоний муносабатларни ифода этишда мақоллардаги ҳашарот, ҳайвон номлари мажоз вазифасини бажарган бўлиб бу айтиш тил эгаларининг дунёни ўзига хос англаш тарзи мавжудлигини кўрсатади. Араб халқи “Нон ва зайтун уйнинг асоси” мақоли орқали ўз ҳаёти ва турмуш тарзида нон ва зайтуннинг алоҳида аҳамият касб этишини маълум қилган. Ўзбек халқида ҳам бу ғоя, асосан, нон, шунингдек, буғдойга урғу бериш орқали намоён бўлади. Масалан, “Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин”, “Арпа – буғдой ош бўлур, олтин – кумуш тош бўлур” каби мақолларда нон тайёрлаш учун асос бўладиган буғдой ҳамда арпа сўзлари худди араб мақолларидаги зайтун сўзи сингари халқнинг миллий маданияти билан юкланган. Қолаверса, ҳар иккала халқнинг миллий маданий, ўзига хос манзарасини ажралмас қисми эканлигини, ризқ-рўз аталмиш ноннинг ҳар иккала халқларда ҳам эъзозланиши, барака сифатида улуғланиши уларнинг оламни лисоний идрок этиш тарзидаги ўхшашликни кўрсатади. Айтиш жоизки, ўзбек халқ мақоллари миллий маданиятимизнинг хусусиятларини ўзига хос тарзда акс эттиридаган сўз birlikлардир. Бундай сўз birlikларнинг юзага келиши, албатта, мақол, матал, мансуб халқнинг минг йиллик тажрибаси билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда оламни англашнинг ўзига хос тарзи, халқ дунёқараши акс этади. Хусусан, “Андишанинг оти – кўрқоқ”, “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор”, “Бош омон бўлса, дўппи топилади”, “Ёқаси қолса ҳам – беқасам”, “Маслаҳатли тўй тарқамас”, “Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши” каби мақолларда⁴³ миллий-маданий жиҳатлар бор бўйи билан акс топган. Қуйида айтиш мақолларнинг маданий хусусиятларини таҳлилга тортамыз.

Азалдан кишининг айбини юзига дангал айтмаслик, истиҳола қилиш ўзбекона одобнинг ажралмас қисми саналган. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекларда “Андишанинг оти – кўрқоқ” каби мақоллар яратилган. Мазкур

⁴³ Мақолада келтирилган мақоллар Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. ларнинг “Ҳикматнома” китобидан олинди.

мақолнинг мазмуни “бирор киши кимнидир нафсониятига тегадиган гап айтса-ю, ўша киши мулоҳазали эканлиги боис унга муносиб жавоб қайтармайди. Аммо мулоҳазасиз киши яна ўшандай гап-сўзларни қилаверса, унга кинояли тарзда “Андишанинг отини кўрқоқ қўйманг” тарзида жавоб берилади. Мазкур мақолдаги миллий маданий белги, аввало, мақолнинг ўзак сўзи бўлмиш *андиша* сўзида кузатилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унга қуйидагича изоҳ берилган: 1. Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза. – Ёўзаларингизни жуда ўт босиб кетибди-ю, – чўчитиб юбормайлик деган андиша билан оҳиста сўрадик. Газетадан. 2. Умуман фикр, мулоҳаза. *Қандайдир андиша тутди тилини*. А. Мухтор.. 3. Шарм-хаё, ор-номусга амал ҳисси. *Биз Зулфия опанинг ёнларида бўлиб, у кишидан нафақат журнал ишини, одоб-андишани, ҳалолликни ҳам ўргандик. “Саодат”*⁴⁴. Изоҳлардан кўринадики, мазкур сўзнинг, айти пайтда миллий маданий жиҳатнинг ҳар уч маъносида ҳам “мулоҳаза билан”, “охирини ўйлаб иш тутиш” илгари сурилади. “Бир болага етти маҳалла ота-она” мақолидаги *маҳалла* лексемаси ҳам лингвокультурема мақомидадир. Ўз-ўзини бошқаришнинг бу ноёб институти фақат ўзбекларда мавжуд эканлиги унинг миллий-маданий ўзига хослигини янада оширади, яъни лингвокультурологик белги айти сўз асосида яққол кўринади. Ўзбек тилида сўзловчи кишилар онгида – ўзбек миллатига хос оламнинг миллий манзарасидагина мазкур мақол мазмуни тўлиқ идрок қилинади, яъни “боланинг бегонаси бўлмайди” тарзида тушунилади. Мақол таркибидаги бошқа сўзлар (бир, бола, етти, ота-она) нинг мазмунида бундай хусусият – миллий-маданий омил кузатилмайди, аммо айти сўзлар бошқа ўзбек мақоли таркибида миллий маданий мақомида келиши ҳам мумкин ва уларнинг миллий-маданий табиати ҳам ўша контекст доирасида белгиланади. Масалан, “Болагинамнинг боласи – қандак ўрикнинг донаси” мақолидаги *бола* сўзида ҳам шуни кузатиш мумкин. Маълумки, ўзбек халқида набиранинг ғоят ардоқланиши ажралмас миллий колорит даражасига кўтарилган. Ота-она учун боласидан-да набираси ширин ва суюклидир. Бобо-бувиларнинг набираларини қўлдан қўймай, эрта-ю кеч парвона бўлишларида ҳам ана шу меҳр-муҳаббат етакчилик қилади. Ўзбек тилида айти мазмундаги мақолларнинг юзага келишига ҳам шу ахлоқий

⁴⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б-84.

қадрият сабаб бўлган аслида. Шунингдек, “Данагидан мағзи ширин”, “Болам – болим, боламнинг боласи – жоним” каби мақоллар ҳам ана шундай миллий қадрият натижаси ўлароқ пайдо бўлган. Бошқача қилиб айтганда, агар халқда ўзининг фарзанд, набира борасидаги ахлоқий қарашларини ифодалаш зарурати бўлмаганда, мазкур мақоллар ҳам яратилмас эди. Айниқса, “Данагидан мағзи ширин” мақолида халқ донолиги санъаткорона ифодасини топган. Маълумки, меванинг ичида данаги, данагини ичида эса мағзи бўлади. Агар ота-она мева бўлса, унинг данаги фарзанди, набира эса ана шу данакнинг ичидаги мағиздир. Набира бамисоли мағиздек ҳимояда эканлиги ифодаланмоқда. Ҳолбуки, набирага нисбатан бундай муносабатнинг умуммиллий аҳамият касб этмаганда эди, ўзбек халқининг миллий манзарасида мазкур тушунчалар бўлмас, натижада тилда ҳам шундай барқарор сўзлар мавжуд бўлмас эди. Демак, у ёки бу тилда халқнинг мавжуд миллий маданий қарашлари, аввало, шу тилга мансуб бўлган халқнинг миллий қадриятлари, ахлоқи, урф-одатлари, ўзига хос миллий манзараси, табиати, ҳаёт тарзини англатадиган тушунчаларнинг мавжудлиги билан боғлиқ экан.

Тарбия ва огоҳлик

Президентимиз Ислон Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида маънавиятнинг қандай кучга эга эканлиги, унинг нималарга қодир эканлиги, уни кадрлашда, мустаҳкамлашда нималарга эътибор бериш кераклиги, шунингдек маънавиятга қарши қаратилган хуружлар хавфи ҳақида ёритиб огоҳликка чақиради. Жумладан, Президентимизнинг “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий

тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”⁴⁵ - деган сўзлари бунга яққол мисол бўла олади.

Нега айнан тарбия ва огоҳлик масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда? Гап шундаки, XXI асрда ёш авлодни тарбиялаш ва уни баркамол инсон қилиб етиштириш ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиздек Ўзбекистоннинг шу жумладан Марказий Осиё халқларининг 60%ни ёшлар ташкил этади. Ёшлар эса Ўзбекистоннинг бугуни ва келажагидир. Маълумки ғоялар бунёдкор ва бузғунчидир. Айнан бузғунчи ғояларни ёшлар онгига сингдирмоқчи бўлган кимсалар ёшларимизни бунёдкорлик йўлидан чалғитиш учун барча воситаларни ишга солмоқдалар: ОАВ, шу жумладан интернет, “оммавий маданият”, манқуртлик ва шунга ўхшаш беҳаё усуллардан фойдаланмоқдалар. Ҳар жиҳатдан баркамол, маънан етук, жисмонан бақувват, ўзликни теран англайдиган, ўз аجدодлари ва авлодларини тарихини биладиган ватанпарвар ёшларимиз ҳар қандай бало қазоларни даф этишга қодирдирлар. Бугунги дунёдаги нотинч ва мураккаб вазият ҳар биримизни доимо огоҳ бўлишга, ёш авлодни тарбиялашда сергак бўлишликка чорлайди.

Огоҳлик – деганда энг аввало уйимизнинг остонаси, оиламизни, яқинларимизни, кўни-кўшни, маҳалла, юртимизни бегоналардан, ёвуз ниятли кимсалардан, маънавий хуружлардан, мафкуравий таҳдидлардан асрашни тушуниш мумкин. Биз биринчи навбатда фарзандларимизга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Чунки аксарият фарзандлар бўш қолди дегунча компьютер, интернет, телевизор (узкабель) жуда бўлмаганда ота-онасига “мен шу ерданман, фалон ўртоғим билан эшик тагида бўламан” деб чиқиб кетиш ва назоратдан четга қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Унутмаслик керакки, бугунги кунда ёшларни жисмонан бақувват, маънан етук, теран фикрлайдиган инсон қилиб тарбияласаккина, улар барчани йўлдан ураётган “оммавий маданият” хуружларига қарши тура оладилар. “Оммавий маданият” - деганимизда ёшларни ғайриоддий юриш-туришлари (кийиниши, соч турмаклаши, саломлашиши), миллатимизга хос бўлмаган мусиқаларни тинглаши (рок, поп), турли гуруҳлар (хиппилар, панклар, рокерлар) ҳаракатига тақлид қилиш, фахш ва зўравонликни, вампирликни, жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар,

⁴⁵ И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2010. Б-4

дисклар, кассеталардан фойдаланаётганларни киритиш мумкин⁴⁶. Қизиғи шундаки, бундай ҳолатлар инсон шахсини емирилишига, маънавий тубанликка ундайди. Шунингдек ахлоқий бузғунчиликлар ёшларни тўғри йўлдан оздириб, уларни ҳаётнинг долзарб муаммоларидан, дунёвий реал ҳаётдан ҳар томонлама чалғитади. Бунга телевидения орқали кўрсатиладиган бузғунчи ғарб телесериаллари, интернетдаги шафқатсиз жангари ўйинлар, бепарда кўрсатиладиган рекламалар мисол бўла олади. Яна миллий шарқона удумларимизга зид бўлган бир жинсли никоҳлар, ўз жинсини, миллатини, динини алмаштиришни реклама қилиниши ҳеч қандай миллий, ахлоқий меъёрларимизга тўғри келмайди.

Биз бутун дунёда Марказий Осий - шарқнинг юксак маънавият маркази сифатида тан олинганмиз. Қадимдан имом ал Бухорий, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Абу Райхон Беруний, Хўжа Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Сўфизода ва бошқаларнинг шарқона, юксак ахлоқийликни, ватанпарварликни, инсонпарварликни барқарор бўлиши, миллий қадриятларни эъзозланиши ва илм, фан ривожини йўлида фидойи бўлганлари, бизни сергакликка тортмайдими?

Абу Райхон Беруний фикрича, ақлий тарбияни амалга оширишдан мақсад баркамол инсонни тарбиялашдир. У барча салбий иллатларнинг келиб чиқишидаги асосий сабаб илмсизлик, деб тушунтиради Улуғбекнинг фикрича, одоб ва ахлоқ инсон маънавияти ва маърифати камолотида катта ўрин эгаллайди. Инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, одамгарчилик, аҳиллик асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш ақлий-ахлоқий тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқдир⁴⁷ Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа - миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига

⁴⁶ Ш.Ғойибназаров.Оммавий маданият.. Т., “Ўзбекистон”, 2012. Б.14.

⁴⁷ Г.Тиллаева ва бошқалар. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т., 2009. Б.23, 24.

қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”.⁴⁸

Хулоса

Бугунги кунда дунёга ёйилган ва эътироф этилаётган жамият ривожланишининг “ўзбек модели” деб ном олган амалиёт ва таълимотнинг ажралмас узвий қисми - баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. XX аср бошларида таниқли адибимиз Абдулла Авлоний таъкидлаганларидек ёш авлодни билимдон, соғлом, зукко, жисмонан бақувват, маънан етук, ахлоқан юксак қилиб тарбиялаш ҳаёт-мамот масаласидир.

Соғлом она ва бола йилида ёшларни нафақат жисмонан соғлом, балки маънан баркамол, қалбан пок, руҳан тетик, илмли, ҳаётда дуч келадиган барча тўсиқларга туриб берадиган иймонли, иродали, мард қилиб тарбиялашда ўзлгимизни, миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни, кадриятларимизни, тарихимизни, кеча ва бугунимизни, алломалар ўғити, маънавий меърослари, ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари ёрдамида тарғибот, тушунтириш ишларини ҳар бир оила, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар ҳамкорлигида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

⁴⁸ И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2010.. Б-75

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Она ва бола саломатлиги.....	4
Ёш авлод шаклланишида – мустаҳкам оиланинг ўрни.....	7
Маънавий тарбия ва жасорат.....	14
Тарбия ва огоҳлик.....	23
Хулоса	26

Фармонова Музаямхон Нигмановна

**Ёш авлод тарбияси: оила, анъана,
қадрият ва маънавий мерос.**

Босишга 25.10.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84¹/₁₆.

Ҳажми 1,7 босма табоқ.

Адади 300 нусха.

58-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.